

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**АБДУРАХМОНОВ САРВАР НАРЗУЛЛАЕВИЧ**

**ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КАРТОГРАФИК МЕТОДЛАР  
АСОСИДА МИНТАҚАВИЙ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ  
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ (Ўзбекистон Республикаси жанубий минтақаси  
мисолида)  
11.00.06 – Геодезия. Картография**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Абдурахмонов Сарвар Нарзуллаевич**

«Геоахборот технологиялари ва картографик методлар асосида  
минтақавий демографик жараёнларни тадқиқ қилиш»  
(Ўзбекистон Республикаси жанубий минтақаси мисолида)..... 3

**Абдурахмонов Сарвар Нарзуллаевич**

Исследование региональных демографических процессов на основе  
геоинформационных технологий и картографических методов *(на  
примере южного региона Республики Узбекистан)*..... 23

**Abduraxmonov Sarvar**

The study of regional demographic processes based on geographic information  
technology and cartographic methods *(for example, the southern region of the  
Republic of Uzbekistan)*..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**АБДУРАХМОНОВ САРВАР НАРЗУЛЛАЕВИЧ**

**ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КАРТОГРАФИК МЕТОДЛАР  
АСОСИДА МИНТАҚАВИЙ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ  
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ (Ўзбекистон Республикаси жанубий минтақаси  
мисолида)  
11.00.06 – Геодезия. Картография**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Т1382 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафаров Эшқобул Юлдашович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Суёнов Абдусали Саматович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Назаров Маматқодир Исматуллаевич**  
география фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Т.10.02 рақамли Илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-22-09, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.:(+99871) 237-19-45. e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Султанов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**А.А.Янгиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д. профессор

**С.Авезбаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги бир марталик  
илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ва унинг турли минтақаларида кечаётган демографик жараёнларни ўзида тавсифловчи карталарни тузишда замонавий геоахборот тизим ва технологиялари асосида интерактив карталарни яратиш, визуаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, демографик жараёнларни урбанизацияга таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш бугунги картографик тадқиқотларнинг олиб борилиши энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, жумладан, жаҳоннинг АҚШ, Хитой, Германия, Жанубий Корея, Россия ва бошқа иқтисодий ривожланган давлатларида аҳоли билан боғлиқ демографик, ижтимоий - иқтисодий муаммоларни ўрганишда ҳам аҳоли карталарини яратиш, чунончи яратилаётган карталарнинг ишончлилигини таъминлаш ҳозирги замон картографиясининг долзарб илмий - амалий масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда демографик жараёнларни картага олишнинг замонавий геоахборот метод ва технологиялари ёрдамида маълумотларни тўплаш, сақлаш, рақамли кўринишга айлантириш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, рўйхатга олиш, баҳолаш ҳамда прогнозлаш, фазовий маълумотлар асосида моделлаштириш ва визуаллаштириш ишларида самарали усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан мамлакатимиз жанубий минтақаси демографик жараёнлари карталарини яратиш ва янгилашда геоахборот, картографик усулларнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда геодезия ва картография соҳаси бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, демографик жараёнларни картага олишда замонавий методлардан фойдаланиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш»<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан ўз навбатида минтақалардаги демографик жараёнларни, замонавий методлар ва Геоахборот тизими (кейинги ўринларда ГАТ деб аталади) ва технологияларини қўллаган ҳолда карталаштириш ва моделлаштириш ишларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон «Ўзбекистон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги 68-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир кўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Соҳага тегишли илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, демографик жараёнлар ҳамда унга таъсир этувчи омилларга боғлиқ муаммоларни картографик жиҳатдан тадқиқ қилиш бўйича чет эл олимлари қатори республикамизда ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бинобарин, муаммонинг демографик жиҳатларини назарий ва услубий асосларини чет эл олимларидан - Ж.Граунт, А.Гийяр, Р.Макконелл, Ж.Кейнс, Р.Томлинсон, А.Смит, Я.Корнаи, К.Хауб, Р.Солоу, Р.Деренгер, Р.Петти, А.Сови, Ж.Буржуа-Пиша, А.Ландри ва бошқалар тадқиқ этишган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида: Ю.П.Воронов, Г.М.Лаппо, П.М.Полян, В.П.Шоцкий, Г.Струмилин, М.И.Никишов, А.И.Преображенский, И.Ю.Левицкий, А.Г.Руденко, А.С.Боярский, А.Э.Котляр, Д.И.Валентей, В.А.Борисов, Б.Д.Бреев, Э.Р.Соруханов ва бошқа олимларнинг илмий асарларида демографик жараёнларни назарий ва услубий асослари ёритилган бўлса, жараёнларни карталаштиришнинг назарий ва услубий асосларини эса Н.Н.Баранский, К.А.Салищев, А.М. Берлянт, В.П.Раклов, А.П.Золовский, О.А.Евтеев, М.С.Зацлавский, В.Р.Баширов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва демографик жараёнларга оид илмий тадқиқотлар М.Қ.Қорахонов, И.Р.Муллажонов, О.Б.Ота-Мирзаев, Л.П.Максакова, А.С.Солиев, Қ.Х.Абдурахмонов, А.А.Қаюмов, М.Р.Бўриева, М.И.Назаров, Х.Х. Абдураманов, З.А.Толаметова, З.Х.Райимжонов, З.Н.Тожиева, Г.Хўжаева ва бошқаларнинг томонидан илмий ишлар олиб борилган ҳамда, мавзули карталарга оид илмий тадқиқотлар Т.Мирзалиев, А.Эгамбердиев, Э.Ю.Сафаров, Ж.Қорабоев, И.М.Мусаев ва бошқа олимлар изланишларида олиб борганлар ва ижобий натижаларга эришилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг турли минтақаларида демографик жараёнларни замонавий геоахборот технологиялари ва картографик методлар асосида тадқиқ қилиш, карталарини тузишда демографик маълумотларни тўплаш, сақлаш, маълумотлар базасини яратиш, рақамли кўринишга

айлантириш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, рўйхатга олиш, баҳолаш, автоматик прогноз қилиш, фазовий маълумотлар асосида моделлаштириш, интеграциялаш ва визуаллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли геоахборот технологиялари ва картографик методлар асосида демографик жараёнларни ўрганиш зарурияти пайдо бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий - тадқиқот ишлари режасининг БФ-44-010-сонли шартномага асосан Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни мувофиқлаштириш қўмитаси билан тузилган «Давлат ер кадастрини юритишда ахборотлаштиришнинг назарий ва методологик асослашни тадқиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси (2015-2018), «Фермер хўжаликлари учун қишлоқ хўжалиги карталарини такомиллаштириш» (2014-2016), «Ўқув илмий ишлаб чиқариш маркази ҳудудида ер кадастрини ўтказишда топографо-геодезик иш услубларини такомиллаштириш» (2015-2017), «Ер мониторингини юритишда картографик таъминлаш услубларини такомиллаштириш» (2015-2017), «Қишлоқ хўжалиги аҳоли пунктларида демографик жараёнларни картографик таъминотини ўрганишда ГАТ технологиялари дастурларини қўллаш» (2018-2020), Европа иттифоқи томонидан эълон қилинган Эрасмус+ 585718-EPP-1-2017-1-НУЕРРКА2-СВНЕ-JP «DSinGIS: Геоинформатика соҳасида докторантура» халқаро лойиҳаси (15.10.2017-14.10.2020) мавзусидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** геоахборот технологиялари ва картографик методлар асосида жанубий минтақа демографик жараёнларини тадқиқ қилиш, карталарини тузишда маълумотлар базаларини шакллантириш ва геолокациялаш, фазовий маълумотларни моделлаштириш, интеграциялаш, демографик жараёнларни визуаллаштириш ишларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

демографик жараёнларни тадқиқ қилиш ва картага олишда илғор технологияларнинг роли ва аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаш;

картографик методлардан фойдаланиб тасвирланаётган ҳудуднинг демографик ривожланиши хусусиятларини ўрганиш;

ГАТ технологиялари дастурларидан фойдаланган ҳолда, демографик рақамли маълумотлар базасини яратиш ва улар асосида серияли карталар мазмунини бойитиш;

замонавий ГАТ дастурларида демографик жараёнларни картага олиш услубларини ишлаб чиқиш;

ГАТ технологиялари ёрдамида фазовий маълумотларни моделлаштириш ва демографик жараёнларни геолокациялаш;

минтақавий демографик прогноз карталарини тузишда инновацион усул ва технологияларни қўллаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг демографик жараёнлари танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети** инновацион метод ва технологиялар асосида демографик жараёнларни картага олиш, фазовий маълумотларни моделлаштириш, геолокациялаш ва маълумотлар базаси асосида тузилган тизимли карталар белгилайди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида картографик, аэрокосмик, статистик, ГАТ технологиялари оиласига мансуб ArcGIS, QGIS, Mapinfo дастурлари, анкета сўрови, худудий таҳлил, геолокация усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

демографик жараёнларни картографик тадқиқ қилиш ҳамда картага олишнинг замонавий усули ва технологиялари, геоинформацион картага олиш, фазовий ва картографик моделлаштириш ва визуаллаштириш ишлари инobatга олган ҳолда такомиллаштирилган;

ГАТ технологиялари дастурлари ёрдамида яратилган демографик маълумотлар базасини инobatга олган ҳолда серияли карталар ишлаб чиқилган;

демографик жараёнларни тадқиқ қилишда ГАТ технологияларининг афзаллигини ҳисобга олган ҳолда минтақавий демографик жараёнларни карталаштиришнинг математик, геодезик асослари такомиллаштирилган;

ГАТ технологияларида демографик жараёнларни фазовий таҳлил қилиш ва моделлаштириш, геолокация ишларини инobatга олган ҳолда такомиллаштирилган;

минтақавий демографик жараёнларни прогноз карталарини тузиш (ArcGIS, QGIS, Mapinfo дастурларидан фойдаланиб) инновацион усуллар ва технологияларни инobatга олган ҳолда такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси жанубий минтақаси демографик жараёнларининг ҳолати илғор метод ва технологиялар асосида тизимли карталари яратилган;

ГАТ технологиялари дастурлари асосида карталаштиришнинг рақамли демографик маълумотлар базаси яратилган;

замонавий геоахборот технологияларида маълумотлар базаларини интеграциясини визуаллаш ва картографик усуллар асосида ифодаланган;

ArcGIS, QGIS, Mapinfo дастурлари асосида демографик жараёнларни картага олиш усули ва тизимли карталарини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси ва унинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари статистика бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси «ДАВЕРГЕОДЕЗКАДАСТР» қўмитаси, «Картография» илмий - ишлаб чиқариш давлат корхонаси материалларидан фойдаланилганлиги, тадқиқотлар натижасида яратилган

карталарнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор замонавий усул ва технологиялар ёрдамида жанубий минтақа демографик жараёнлар маълумотлар базаси яратилганлиги ҳамда ArcGIS QGIS, Mapinfo дастурларидан фойдаланиб визуаллашган карталари ишлаб чиқилганлиги, ArcGIS QGIS, Mapinfo дастурлари асосида демографик жараёнларни картага олиш усули ва тизимли карталари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аввало, диссертация натижасида олинган илмий хулоса ва тавсиялар, шунингдек яратилган мавзули, прогноз карталари, демографик жараёнларни тартибга солишга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ҳамда амалий чора - тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Геоахборот технологиялари ва картографик методлар асосида минтақавий демографик жараёнларни тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

демографик жараёнларни тадқиқ қилиш ва картага олишнинг замонавий усуллари ва технологиялари, геоинформацион картага олиш, фазовий ва картографик моделлаштириш ва визуаллаштириш ишлари Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тасарруфидаги «Картография» илмий - ишлаб чиқариш давлат корхонасида жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг 2019 йил 26 сентябрдаги 02/02-7092-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган карталар серияси «Қашқадарё вилояти ўлкашунослик атласи»да нашр этилган;

картографик усуллар асосида яратилган демографик жараёнлар карталарининг математик ҳамда геодезик асоси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тасарруфидаги «Картография» илмий - ишлаб чиқариш давлат корхонасида жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг 2019 йил 26 сентябрдаги 02/02-7092-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида барча минтақанинг бошқа мавзудаги карталарини тузиш ишларида эталон сифатида фойдаланилган;

демографик жараёнларни прогноз қилиш карталарини тузишни инобатга олган ҳолда яратилган инновацион технологиялар Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тасарруфидаги «Картография» илмий - ишлаб чиқариш давлат корхонасида жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг 2019 йил 26 сентябрдаги 02/02-7092-сон маълумотномаси). Натижада прогнозлаш карталарининг сифати, карталарни яратишдаги тезкорлик ҳамда аниқлигини оширишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика, 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган. Бундан ташқари 3 та муаллифлик гувоҳномалари (№000777, №000929, №001074 Ўзбекистон интеллектуал мулк агентлиги) олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кенг очиб берилиб, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Геоахборот технологиялари ва картографик методлар асосида демографик жараёнларни тадқиқ қилишнинг назарий ва услубий масалалари»** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда аҳоли карталарини яратишда демографик жараёнларни ўрганилиши ва уларнинг ривожланиши, геоахборот технологиялар ёрдамида демографик жараёнларни тадқиқ қилишнинг назарий асослари, ГАТ технологияларидан фойдаланиб аҳоли карталарини тузиш тузилмасини ишлаб чиқиш масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги» 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сонли фармонида аҳоли ва унинг фаровонлиги йўлидаги ишончли ахборотлар ва узоқ муддатли прогнозлар, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун демографик жараёнларни акс эттирувчи карталар муҳим қўлланма вазифасини ўтайди.

Мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси жанубий минтақаси аҳоли карталарини яратиш демографик жараёнларни ўрганиш ҳамда уларнинг ривожланиш тарихи, географик ахборот тизимлари ёрдамида демографик жараёнларни тадқиқ қилиш ва уларнинг назарий асослари, аҳоли карталарини тузиш услубларини ишлаб чиқиш масалалари ёритилган.

Мақсадли олиб борилган тадқиқотлар натижасида жанубий минтақадаги демографик вазиятларни таҳлил қилиш ҳамда уларнинг электрон рақамли карталарини яратишда қуйидаги (DemoGAT) етти босқичдан иборат бўлган тизимлашган тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расм).



**1-расм Демографик карталарни яратишнинг DemoGAT тузилмаси**

1. Республика миқёсида-маъмурий ҳудудлар бўйича маълумотлар тўплангани ва улар таҳлил қилинади.

2. Тадқиқот объекти доирасида тизимлаштирилган демографик маълумотлар танланган дастурий таъминот асосида компьютер хотирасига киритилади.

3. Картаси яратилаётган ҳудудлардаги демографик кўрсаткичлар асосида DemoGAT электрон маълумотлар базаси яратилади.

5. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб демографик карталарни яратиш учун маълумотларини ишлаб чиқиш ва демографик ҳолатни акс эттириш учун карталар макет компоновкалари яратилади.

6. Танланган оптимал дастурий таъминот ёрдамида яратилган электрон маълумотлар базаси асосида жанубий минтақа бўйича демографик жараёнлар карталар серияси ишлаб чиқилади.

7. Жанубий минтақадаги демографик жараёнларни акс эттириш учун йирик масштабларда уч ўлчамли (3D) модели яратилади.

Маълумотлар базасини компьютер бошқарув тизими орқали тадбиқ этиш ва электрон карталарни яратишнинг умумий методикаси технологик схемаларидан фойдаланган ҳолда ГАТ технологиялари асосида яратишнинг бу тизими демографик жараёнлар карталарини тузишда иш жараёнини жадаллаштиради ва шу билан бирга ишни сифатлилигини ҳамда маълумотларни аниқлигини кафолатлайди.


Диссертациянинг «**Картографик методлар асосида жанубий минтақанинг демографик хусусиятларини тадқиқ қилиш**» деб номланган иккинчи боби ўрганилаётган ҳудуд бўйича картографик тадқиқот методлари асосида минтақавий аҳоли карталари хусусиятларининг таҳлил қилиш,

демографик жараёнларни ўрганиш, ГАТ асосида жанубий минтақа демографик жараёнлари бўйича маълумотлар базасини яратиш ҳамда фойдаланиш йўллари тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидаги каби жанубий минтақада ҳам, барқарор иқтисодий ўсишига оид ижтимоий - иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Албатта, бундай тадбирларни олиб боришда минтақадаги демографик ривожланишнинг ўрни бекиёс.

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев ўз нутқларида «...меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга мухтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш» ҳозирги куннинг долзарб масалалардан бири бўлиб, демографик вазиятни муайян даражада тартибга солишга йўналтирилган, деб алоҳида таъкидлаганлар.

Тадқиқот давомида демографик жараёнларни ГАТ технологиялари ёрдамида картографик методлар асосида ўрганиш бўйича қуйидаги босқичларидан иборат бўлган демографик жараёнларни тадқиқ этишда таҳлил қилиш учун махсус методика ишлаб чиқилди (2-расм).



**2-расм. Демографик жараёнларни таҳлил қилиш методикаси**

ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда ушбу демографик жараёнларни тадқиқ қилиш тизимли, ҳудудий, қиёсий (таққослаш), тарихий, аналитик, анкета-сўров, статистик таҳлиллар каби тадқиқот усулларида олиб борилди. Ҳар бир усул ўз навбатида кичик аниқ таҳлилий гуруҳларга ажратилиб ифодаланди.

**Биринчи тизимли- таҳлил** босқичи қуйидагича акс эттирилган:

- аҳоли жойлашувига таъсир этувчи омиллар таҳлили;
- демографик жараёнлардаги таркибий ўзгаришлар таҳлили;
- картадаги миқдор ва сифат кўрсаткичлар таҳлили;
- картага олишда ҳамкорликдаги фанлар таҳлили.

Тизимли-таҳлил усулида ўзаро таққосланиб, таҳлил қилиш ишлари олиб борилади. Бу усул бўйича демографик жараёнларни тадқиқ этишда аҳоли асосий объект сифатида қаралади. Карталарда акс эттириладиган маълумотларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариб боришини ҳамда уларга таъсир этувчи табиий омилларни ҳам ўрганиш талаб этилади.

**Иккинчи ҳудудий таҳлил босқичида** геодемографик минтақаларнинг умумий маълумотларини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу таҳлилда ўзаро боғлиқликни инобатга олиб, маълум бир вақтдаги ривожланиш ҳамда ўзгаришлар динамикасини очиқ беради.

Шуни таъкидлаш керакки, демографик жараёнлар карталарини яратишда аҳоли билан боғлиқ бўлган кичик ҳудудлар бўйича таҳлил қилиш асосий ўрин тутаяди. Карталарда аҳоли бандлиги ва ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари, аҳолининг ҳудудлар кесимида тарқалиши, шунингдек аҳолини таркибий қисми ёши, жинси, миллати ва салоҳият даражаларини ўрганиш ҳамда уларни карталарда акс эттириш муҳим аҳамият касб этади.

**Учинчи қиёсий таҳлил босқичи** демографик жараёнларни карталаштириш ва маълумотларни таҳлил қилишда бу усул катта аҳамиятга эгадир. Тадқиқот ишларини олиб боришда минтақаларни ва нисбатан кичик ҳудудларни ўзаро қиёслаш карталарида яққол кўзга ташланади. Бу қисмда авваламбор, минтақа ва унинг кичик ҳудудлари бўйича аҳоли карталарини ўрганишда дастлаб аниқланадиган кўрсаткичларни қиёслаш учун карталар бир хил масштабга келтириш талаб этилади, сўнгра қуйидаги кетма-кетликда давом эттирилади:

➤ карталар ўзаро устма-уст туширилиб таҳлил қилиниши лозим бўлган воқеа ва ҳодисалар таққосланади, бунда албатта маълумотлар бир бири билан боғланган бўлиши зарур. Олинган маълумотлар умумлашган картографик асосга туширилади;

➤ минтақалардаги демографик жараёнларни таққослаш ишлари фақат геодемографик минтақалар даражасида эмас, балки туман, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари даражаларида олиб борилади;

➤ ўрганиладиган ҳудудлардаги демографик жараёнларни ўзаро таққослашда бир хил мақсад ва моҳиятига кўра бажарилади;

➤ демографик жараёнлардаги ўзгариш даражалари барча йўналишларда, бир хил кўрсаткичларда бўлиши лозим;

➤ демографик жараёнларни йўналишлар бўйича таққослаганда кўрсаткичлар албатта бир хил даврга тегишли бўлиши зарур, акс ҳолда кутилган натижани бермайди.

Юқоридаги таққослаш кетма-кетликлари ҳудудий кесимда олиб борилади. Булар объект доирасида минтақанинг ички бирликлари ва объектдан ташқарида бошқа минтақалар билан ҳам таҳлиллар олиб борилади.

**Тўртинчи тарихий таҳлил**ни олиб боришда, минтақанинг демографик ривожланишини, ундаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш асосида ҳозирги реал аҳвол ва келажак тараққиёт белгиланиши учун прогнозлаш ишлари олиб бориш имкониятини беради.


**Бешинчи аналитик таҳлилда** демографик жараёнлар тадқиқ қилинганда статистик, аналитик ҳамда биз учун зарур бўлган аниқ маълумотларни олиш имкониятини беради. Бу усул ёрдамида картага олинаётган минтақанинг аҳолиси ва уларнинг таркиби, жойлашиши ва ундаги ўзгаришларни абсалют қийматда аниқлашни кафолатлайди.

**Олтинчи анкета-сўров таҳлилда** минтақа демографик жараёнлари маҳалла кесимида маълумотлар тўпланади ҳамда туманлар бўйича маълумотлар таҳлил қилинади. Демографик жараёнларни тадқиқ қилишнинг бу усулида энг аниқ, ишончли ва сўнги маълумотларни олиш имконини беради.

Демографик жараёнларни таҳлил қилишнинг бу методикаси демографик жараёнларни ГАТ технологиялари ва картографик методлар асосида ўрганишда кенг қўламли маълумотларни карталарда тасвирлашни таъминлайди.

Диссертациянинг «**Демографик жараёнларни геолокациялашда геодезик ишлар**» деб номланган учунчи бобида GPS навигатори базасига координаталар ва марказий меридианининг коэффициент тузатмаларини киритиш, навигатордан олинган координаталар асосида атрибутив маълумотларни шакллантириш ҳамда ГАТ технологияларида демографик фазовий таҳлил маълумотлари ва уларни моделлаштириш геолокация ишлари асосида такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Геолокация жараёни маълум бир ҳудуднинг кенглик ва узунлик координаталарини билдириб, GPS навигатори ёрдамида объектнинг ҳақиқий географик жойлашувини аниқлаш ҳамда жой тўғрисида зарурий ва замонавий демографик маълумот олиш имконини беради (3-расм).




**3-расм Геолокация ахборотларини геомаълумотлар базасига интеграция қилиш структураси**

Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) ҳудуди 41 ва 42 - устунда эканлигини инобатга олиб, жойларда GPS навигатори ёрдамида олинган геолокацион маълумотларни юқори аниқликда тенглаштиришда 11 N ва 12 N зоналарининг коэффициент тузатмалари киритилади. 11 N зона тузатмалари Меркатор проекциясининг марказий меридиани бўйича  $63^{\circ}$  ва 12 N зоанси учун  $69^{\circ}$  қиймат коэффициентлари берилади.

Сурхондарё вилоятининг географик жойлашуви тўлиқ 12 N зонада жойлашган, марказий меридиан  $69^{\circ}$  қийматга эга. Қашқадарё вилоятининг  $69^{\circ}$  ҳақиқий меридиандан ғарбий томонга 143 км 831,07 метр узоқликдаги қисми 11 N зона ҳудудида бўлса, шарқий томонга 190 км 204,43 метр масофа узоқликдаги қисми 12 N зона ҳудудида жойлашган. Ҳудудда 2 та зона алмашади, навигатор созламасига тузатма киритилади.

Бундан ташқари, таклиф қилинаётган «*Геодезист*» дастурий таъминоти маълум бир ҳудуд бўйича демографик маълумотларни мунтазам равишда ГАТ технологиялари маълумотлар базасига *online* тарзда масофадан киритиш имконини беради.

«*Геодезист*» жойлардан маълумот узатишда дастлаб жойнинг географик координатасини аниқлаб сўнгра киритилган маълумотларни марказий маълумотлар базасига *online* тарзда узатади. Олинган маълумотларни географик жиҳатдан ҳудудий координатага боғлаш, тегишли статистик маълумотларни динамик равишда маълумотлар базасини мунтазам янгилаб туришини таъминлайди. «*Геодезист*»да жойнинг географик ҳамда тўғри бурчакли координаталарига асосланиб маълумотлар узатилади. Мазкур ишларни амалга оширишда қуйидаги кетма - кетликдаги амалий вазифаларга асосланилди (4-расм).



4-расм. «*Геодезист*» дастури орқали демографик маълумотларни *online* тўплаш технологияси

Ушбу кетма-кетликда маълумотлар базаси шакллантирилади ҳамда туман Давлат статистика идораларига интеграция қилинади. Маҳалла фуқаролар йиғинидан (МФЙ) юборилаётган маълумотлар асосида туман ҳамда вилоят Давлат статистика бўлимлари маълумотлар базаси тўғридан тўғри доимий синхрон равишда янгиланиб турилади.

Юқорида келтирилган тизимни демографик жараёнлар билан умумлаштирган ҳолда барча шаҳар, шаҳарча ва қишлоқларнинг кенгайтирилган маълумотлар базаси шакллантирилади. Инновацион технологияларни жорий қилган ҳолда жойлардаги янги маълумотлар асосида аҳолига тегишли бўлган статистик ахборотлар жойлардаги мутасадди ташкилотлардан *online* тарзида қабул қилиш ва геомаълумотлар базаси билан интеграция қилиш республикамизда демографик жараёнларни доимий равишда кузатиб бориш имконини яратади.

Диссертациянинг «**Инновацион метод ва технологияларни қўллаган ҳолда минтақавий демографик жараёнлар карталарини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш**» деб номланган тўртинчи боби ГАТ дастурларида электрон рақамли карталарни тузиш ва демографик жараёнларни визуаллаштириш, прогнозлаш карталарини тузишда инновацион ёндашув, картографик усуллардан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсияларнинг устувор йўналишларига бағишланган.

Тадқиқот иши олдида қўйилган масаларларни ҳал этиш мақсадида биринчи навбатда картографик асос яратиш талаб этилди. Шу боис олиб борилган тадқиқот натижаларини карталарда акс эттириш мақсадида картографик асосни яратишда масофадан зондлаш материалларидан фойдаланилди. Янги картографик асос яратишда дастлаб *landsat* суратларидан фойдаланилди, у картографик асоснинг сифатини ҳамда аниқлигини оширишда қўл келди.


Масофадан зондлаш материалларини қайта ишлашда барча имкониятларини ҳисобга олинди. Жойларда вақт ўтиши билан йиллар оралиғида аҳоли яшаш пунктларини ўзгариши мониторингги ҳам олиб борилди.

Масофадан зондлаш материаллари ҳудуд аҳоли пунктларида аҳоли сонини ўзгариши, миграция кўрсаткичлари, аҳолини жойлашиши мониторингини олиб бориш имкониятларини берди. Ўрганилаётган ҳудуднинг турли йиллардаги аэрокосмик суратлари таҳлил қилинди ҳамда олинган натижалар асосида минтақадаги демографик жараёнлар ва уларни прогнозлаш карталари тузилди.

Жанубий минтақада демографик жараёнларни кузатиш ва прогноз карталарини тузишда ҳамда карталардаги маълумотларни аниқлигини ошириш мақсадида минтақада Earth Explorer геопортали орқали космик суратлар юклаб олинди. Улар ArcGIS дастурига экспорт қилиниб, кетма-кетликда NDVI анализи амалга оширилди (5-расм).



1994 й.




2019 й.




2014 й.



2019 й.



NDVI анализ жараёни






NDVI анализ натижаси

### 5 - расм. Қарши ва Яккабоғ шаҳарларининг турли йиллардаги аэрокосмик суратлари ва NDVI анализ

Масофадан зондлаш материалларини қайта ишлашда, олинган суратлар дастлаб фотосхема тарзида трапецияга боғлаб трансформация ишлари бажарилди, умумий географик элементларнинг алоҳида вектор қатламлари шакллантирилди ҳамда жанубий минтақанинг демографик карталарини тузишда топографик карталар асос сифатида тайёрланди.


Тадқиқот ишида олдимизга қўйган масалаларни ҳал этишда келтирилган талабларга мос келадиган ГАТ оиласига мансуб ArcGis дастурий таъминотдан фойдаланилди. Ишлаб чиқилган DemoGAT рақамли демографик карталарни яратиш технологияси негизда карталарни тузиш ишлари олиб борилди. Дастурда яратилган янги картографик асосга юқорида амалга оширилган ишлар натижаси, яъни геолокация усули ёрдамида марказий маълумотлар базасига тўпланган статистик маълумотлар жойлаштириб ўзаро боғланди. Сўнгра картографик тасвирлаш усулларидадан фойдаланган ҳолда жанубий минтақа аҳоли карталари тузилди (6-расм).



**6-расм. Жанубий минтақа аҳоли карталаридан намуналар**

Ўзбекистон Республикаси жанубий минтақаси ва алоҳида-алоҳида туманлар кесимида демографик жараёнлар карталари серияси яратилди ва демографик жараёнларни прогнозлаштириш методикаси ишлаб чиқилди.

Прогнозлаш методикасининг қуйи босқичи бўлган ўзаро солиштириб, аниқлигини назорат қилиш методига алоҳида эътибор қаратилган (7-расм).




**7-расм. Демографик жараёнларни прогнозлаш методикаси**

Прогноз иқтисодий - ижтимоий картографияга биринчи марта яқинлашганда ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий тарақалиши, ривожланиш натижалари ва йўналишларини график баҳолаш имкониятларини, шунингдек бунга эришиш учун зарур бўлган ресурслар ва ўлчамларини аниқлашда яхши натижа беради (8-9-расмлар).



**8-расм. ГАТ атрибутив маълумотлари**



**9-расм. Электрон прогнозлаш картаси**

Прогнозлаш ижтимоий - иқтисодий карталарини тузиш методикаси ишлаб чиқилди. Булар яқин келажакдаги ўзгаришларни кузатиш ва шунга асосланиб демографик жараёнларни режалаштириш дастурларни яратиш, минтақалардаги аҳоли билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳудудий тўғри ташкил этиш ишларини амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилади. Электрон рақамли прогнозлаш карталари махсус дастурларда тузилганлиги туфайли карталардаги ахборотларни қайта ишлаш ва тақдимот тезлигини таъминлайди

## **ХУЛОСАЛАР**

“Геоахборот технологиялари ва картографик методлар асосида минтақавий демографик жараёнларни тадқиқ қилиш” (Ўзбекистон Республикаси жанубий минтақаси мисолида) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Мамлакатимизда демографик жараёнларни тадқиқ қилиш ва карталарини тузишда тарихий ҳамда ҳозирги демографик вазиятлар юзасидан таҳлилий ишлар олиб борилиши лозимлиги баҳоланди. Бу таҳлиллар асосида карталарни тузишнинг замонавий методлари ва технологиялари, геоинформацион картага олиш, фазовий ва картографик моделлаштириш ҳамда визуаллаштириш ишлари асосий маълумотлар базаси яъни рақамли кўринишдаги бирор бир тартиб билан жойлаштирилган картографик маълумотларни тўплашга имкон беради.

2. ГАТ технологиялари асосида маълумотлар базалари бир - бирларини доимий равишда тўлдириб бориши орқали карта, планларни яратиш, уларни қайта ишлаш ва маълумотларни интеграциялаш ишлари кўриб чиқилди ва янги тежамкор усуллар ёрдамида маълумотларни

тезкорлик билан демографик маълумотлар базаларини шакллантириш имконини яратилди.

3. ГАТ технологиялари ва картографик методлар асосида минтақадаги демографик жараёнларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш бўйича таҳлил қилиш методикаси асосида демографик жараёнларни тавсифловчи карталарни тузишда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилди. Картографик методлар асосида яратилган карталарининг математик, геодезик асоси тузилган бўлиб, демографик мавзули карталарини тузиш имконини яратди.

4. Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, навигаторнинг координаталар тизими созиламасига тузатмалар киритилиши таъминланиб ва бу тузатмалар навигаторнинг геолокацион маълумотларини олишда тенглаштириш ишларини мукамал даражада амалга ошишини таъминлайди. Навигатор ёрдамида жойларда геолокация қилиш орқали жойнинг координаталари аниқланади ва рақамли демографик маълумотлар базаси (сервер) билан интеграцион алоқа ўрнатиш орқали аниқланган нуқта кўринишидаги геолокация шакллантирилади ҳамда юқори аниқликдаги замонавий маълумотлар узатилиш имконини яратилади.

5. Олиб борилган изланишлар натижасида маълум бўлдики, турли йўналишлар бўйича карталаштириш ҳамда аниқ маълумотлар негизида яратилган электрон рақамли карталар бугунги кунда демографик муаммоларини ҳал этиш бўйича истиқболли чора - тадбирларни белгилашга имконият яратади. Бунда ГАТ технологиялари асосида маълумотларни тезкорлик билан тўплаш ҳамда маълумотлар базасини шакллантириш асосини яратди.

6. Инновацион технологияларни жорий қилган ҳолда жойлардаги янги маълумотлар асосида аҳолига тегишли бўлган статистик ахборотларни жойлардаги мутассади ташкилотлардан *online* тарзида қабул қилиш ва геомаълумотлар базаси билан интеграция қилиш орқали демографик жараёнларни доимий равишда кузатиб бориш ва тартибга солиш имконини яратади.

7. ГАТ технологиялари ёрдамида маълумотларни фазовий таҳлил қилишни моделлаштириш асосида тезкор равишда маълумотларни аниқлаш юзасидан таҳлилий ишлар бажарилди. Натижада ГАТ технологиялари ёрдамида маълумотларни фазовий таҳлил қилишни моделлаштириш амалга оширилган бўлган ҳудудларда анализ ишларини олиб боришга имкон яратилди.

8. Электрон рақамли карталарни тузиш ва демографик жараёнларни визуаллаштиришда геомаълумотлар базасига ахборотларни тўғридан тўғри интеграция конвертация қилиш структурасини ишлаб чиқишга ҳамда автоматик таҳлилий ишларни олиб бориш ишлари билан бирга масофадан зондлаш материалларини қайта ишлаб фазовий маълумотларни картографик тасвир асосида ифодалашга имкон яратилди.

9. Минтақавий демографик жараёнларни тадқиқ қилиш мақсадида прогнозлаш ижтимоий - иқтисодий карталарини тузиш методикаси ва технологияси ишлаб чиқилди. Геоахборот технологиялари (ArcGIS, QGIS, Mapinfo) дастурлари ва картографик методлар асосида демографик вазиятлар тавсифловчи карталарни тузиш ва уларни янгилашдаги тадқиқот натижалари ТИҚХММИ “Геодезия ва геоинформатика” кафедраси ўқув жараёнида ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тасарруфидаги «Картография» илмий - ишлаб чиқариш давлат корхонасида жорий этилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSc. 27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**АБДУРАХМАНОВ САРВАР НАРЗУЛЛАЕВИЧ**

**ИССЛЕДОВАНИЕ РЕГИОНАЛЬНЫХ ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ  
ПРОЦЕССОВ НА ОСНОВЕ ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ И КАРТОГРАФИЧЕСКИХ МЕТОДОВ**  
(на примере южного региона Республики Узбекистан)

**11.00.06 – Геодезия. Картография**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2019.3.PhD/T1382**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Сафаров Эшқобул Юлдашович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Суюнов Абдусали Саматович**  
доктор технических наук, профессор

**Назаров Маматкодир Исматуллаевич**  
кандидат географических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный технический  
университети**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_ часов на заседании Разового научного совета при Научном совете DSc. 27.06.2017.T .10.02 Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, Ташкент, Кари-Ниязий, 39.тел./факс: тел.:(99871); 237-22-09, факс: (99871) 237-54-79; e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

С докторской диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано № \_\_\_\_). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кари-Ниязий, 39.тел (+99871)-237-19-45 e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Т.З.Султанов**

Председатель Разового научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н.

**А.А.Янгиев**

Ученый секретарь Разового научного  
совета по присуждению учёных  
степеней, д.т.н., профессор.

**С.Авезбаев**

Председатель Разового научного семинара при  
Разового научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.э.н., профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии PhD)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Разработка современных методов картографирования, характеризующих демографические процессы в мире, создание, визуализация и интеграция интерактивных динамических карт на основе геоинформационных систем и технологий имеют один из самых важных задач. В частности, изучение влияния демографических процессов на местах в динамике урбанизации является одним из важнейших вопросов в области картографии. Особое внимание уделяется актуальным научно-практическим вопросам современной картографии, в том числе созданию карт населения при изучении демографических и социально - экономических проблем, связанных с населением в США, Китае, Германии, Южной Корее, России и других экономически развитых странах мира, с целью обеспечения надежности создаваемых карт.

В мире особое внимание уделяется целевым научным исследованиям на основе моделирования и визуализации пространственных данных с использованием методов геоинформации и картографирования для организации сбора, хранения, оцифровки, анализа, обработки, записи, оценки демографических материалов. Совершенствование геоинформационных технологий и технологий картографирования демографических процессов пределах страны, включая южный регион, является важной задачей в этой области.

В настоящее время в стране реализуется широкий спектр мер в области геодезии и картографии, в том числе использование современных методов картографирования демографических процессов. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы включает в себя следующие задачи<sup>1</sup>: «... создание условий для полной реализации трудовой и предпринимательской деятельности работающего населения, предоставления обязательных социальных гарантий населению. При реализации этих задач, в том числе демографических процессов в регионах, большое значение имеют современные методы и геоинформационные системы (в последующих местах их называют ГИС) и технологии, научные исследования по совершенствованию картографии и моделированию работ.

Указ Президента Республики Узбекистан "О Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан" № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года, № ПФ-5655 от 5 февраля 2019 года "Об утверждении концепции проведения регистрации населения в Республике Узбекистан на 2022 год", постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 68 от 13 марта 2017 года, - в определенной степени данное диссертационное исследование служит выполнению задач, поставленных в вышеуказанных постановлениях и других нормативно-правовых актах, связанных с этой деятельностью.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан»

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данная научно-исследовательская работа будет направлена на развитие науки и техники в Республике Узбекистан реализуемой в рамках приоритетного направления IV. "Развитие информационно-коммуникационных технологий".

